

ISSN 2010-720X

ILIM HÁM JÁMIYET



FAN VA JAMIYAT

2022 (№3)

ISSN 2010-720X

2004-jildni mart ayidan boshlab shiga basladi

**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASI JOQARI HÁM ORTA
ARNAWLÍ BILIMLENDIRIW MINISTRILIGI**



**ÁJINIYAZ ATÍNDAGÍ NÓKIS MÁMLEKETLIK
PEDAGOGIKALÍQ INSTITUTÍ**



ILIM hám JÁMIYET

Ilmiy-metodikaliq jurnal

**Seriya: Tábiyy hám texnikaliq ilimler. Jámiyetlik hám ekonomikalq ilimler.
Filologiya ilimleri**

**Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat
pedagogika instituti**

FAN va JAMIYAT

Ilmiy-uslubiy jurnal

Seriya: Tabiiy va texnika fanlari. Ijtimoiy va iqtisodiy fanlar. Filologiya fanlari

**Нукусский государственный педагогический
институт имени Ажинияза**

НАУКА и ОБЩЕСТВО

Научно-методический журнал

**Серия: Естественно-технические науки. Социальные и экономические
науки. Филологические науки**

**Nukus State Pedagogical Institute
named after Ajiniyaz**

SCIENCE and SOCIETY

Scientific-methodical journal

**Series: Natural-technical sciences. Social and economic sciences.
Philological sciences**

№3

2022

“Шахриёр” достонининг сюжетига ўхшаш мотивларни туркий халқлар эртақларида: “Подшоҳ ва қизлар”, “Дилрўкаш” эртаги билан қиёслаганимизда унинг тарбиявий моҳияти бир-бирига мос келишини кўрдик [4:102-115]. “Подшоҳ ва қизлар” эртагидаги подшоҳнинг кечаси юртни кезиб юриб, бир ерда уч қариндош қизнинг ўзаро суҳбатини тинглаш эпизодига “Шахриёр” достонидаги худди шундай сюжетлик мотивлар билан ўхшашликлар мавжуд ва унда оила, меҳнат, одоб-ахлоқ, тарбияси масаласи элементларини аниқлашга бўлади.

А.Каримов “Шахриёр” достони билан қозоқ халқининг “Мунглик-Зарлик” достони билан боғлиқ ва ўхшашлигини даллалашга шахдам қадам ташлаган, иккисининг манбалари бир жойдан пайдо бўлган деб хулосага келган. Достоннинг қорақалпоқ версияси сюжетлари “Мис минорадаги тулғаси жез қиз” эртақлари билан ўхшаш эканлигини илмий жиҳатдан аниқладик. Шунингдек, “Аёз”, “Ҳасан ва Ҳурлиқо”, “Ҳасан ва Зухро” сингари ўзбек халқ эртақларининг “Шахриёр” достони билан мазмундош эканлигини айтиб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир [1:107-114].

И.Винников томонидан Бухоро арабларидан ёзиб олинган “Уч жонон” эртагининг айрим эпизодлари “Шахриёр” достонини эсга солади. Қозоқ халқининг “Олтин айдар”, қирғиз халқининг “Беҳаё хотинлар” эртақлари воқеалари ривожини давомиди айрим фарқ-

ларни ҳисобга олмаганда икки эртақ мазмуни бўйича бир-бирига ўхшаш ҳисобланади. Тадқиқотимиз жараёнида ушбу асарлардаги бир қанча эпизодларнинг бир-бирига яқинлигини ва таълим-тарбиявий аҳамиятини аниқладик. Хуллас, эртақлар достонлардан аввал пайдо бўлганлиги учун халқ орасида тез тарқалди. Ижрочилар уларни яшаш шароитига мослаштириб фойдаланди. Бундай андиша келажакда яратиладиган асосий эпик асарлар бўлган достонларнинг сюжет йўналишига катта таъсир кўрсатган. Қирғизларнинг “Ҳасан ва Хусан”, “Ойсултон”, туркманларнинг “Галандер султон”, “Гулжаҳон” эртақлари, ўзбек халқ достонлари “Одилхон”, “Ширин-Шакар”, қозоқ халқ достони “Мунглик-Зарлик”нинг қорақалпоқ халқ достони “Шахриёр” билан ифода этилган тарбиявий йўналиши жуда ўхшашлигини кўрдик. Лекин, бу эртақлар ва достонларда ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий анъаналари кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам, бу ўзаро ўхшашликлар турли халқ достонлари, уларнинг ўзаро маданий алоқадорлик мевасигина эмас, балки, дастури, педагогик ўй-фикрлари, таълимий-тарбиявий методи ва услубларининг бир-бири билан алоқадорликда ривожланганлигидан, таълим-тарбиянинг жаҳон халқлари контекстида ривожланувчи категория эканлигидан деб қараш мумкин.

Адабиётлар

1. Каримов А. «Шәръяр» дэстаны хэм оның туўыскан халықлар фольклоры менен байланысы. // «Эмиўдәръя». – Нөкис: 1992. №4-5. 107-114-б. (61).
2. Максетов Қ. Дэстанлар, жыраўлар, баксылар. Илим изертлеў. - Нөкис: «Қарақалпақстан». 1992. 62-136-б. (71)
3. Нурмухаммедов М.К. Пушкиннің ертеклери хэм Орта Азия халықларының фольклоры. - Нөкис: «Қарақалпақстан». 1987. - 56 б. (79).
4. Турецкие народные сказки. - М.: 1959. 102-115-б. (153).
5. Шәръяр. Қарақалпақ халық дэстаны. (Өтенияз хэм Қуламет жыраў вариантлары). / Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. XIII том. - Нөкис: «Қарақалпақстан», 1984. 236-б. (160).

РЕЗЮМЕ. Мақолада «Шахриёр», «Шийрын Шекер», «Қаншайым», «Мунлық - Зарлық» каби эртақ тип сюжетли достонларнинг жанрий, хусусан ижодкорлик хусусияти бўйича янги эстетик система эканлиги кенг таҳлил қилинади. Шунингдек, мақолада «Аманбай батыр» достони ҳам шу нуқтаи назардан тадқиқ қилинади.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируется тот факт, что такие сказочные эпосы, как «Шахриёр», «Шийрын шекер», «Каншайым», «Мунлық-Зарлық» представляют собой новую эстетическую систему в жанровом, а в творческом плане. В статье также с этой точки зрения рассматривается эпос «Аманбай батыр».

SUMMARY. The article analyzes the fact that fairy-tale epics such as "Shahriyor", "Shiyrin Sheker", "Qanshayym", "Munlyq - Zarlyq" are a new aesthetic system, in terms of genre, but in terms of creativity. The article also examines the epic "Amanbay batyr" from this point of view.

БЕРДАҚ ШЕЪРИЯТИ ЯНГИ ТАРЖИМАЛАРДА

Г.Курамбоева – филология фанлари номзоди, доцент

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Таянч сўзлар: шеърят, бадий таржима, адабиёт, китобхон, шакл, ижод, поэтика, ғоя, аслият.

Ключевые слова: поэзия, художественный перевод, литература, читатель, форма, творчество, поэтика, идея, оригинал.

Key words: poetry, literary translation, literature, reader, form, creation, poetics, idea, original.

Бердақ ижодига мурожаат, асарлари билан ўзбек китобхонларини таништириш жараёнлари сўнгги йилларда, айниқса, мустақиллик даврида янада кучайди. Таржимонлар сафи кенгайиб борди. Бир вақтлар устоз шоир Миртемир бошлаб берган анъана изчил ривожланди, Бердақ асарларининг янги таржималарини тайёрлашга киришилди. М.Али, Г.Матёкубова, Э.Очилов, М.Аҳмад ва бошқа баъзи ижодкорлар Бердақ шеърятидан намуналарни таржима қилиб матбуотда бостирди, айримлари китоб шаклида чоп эттирди. Биз шулардан фақат бир таржима китоб тўғрисида батафсилроқ тўхталмоқчимиз. Бу, олим ҳам таржимон Эргаш Очилов қаламига мансуб Бердақнинг “Халқ учун” (2021) номли китоби.

Э.Очилов Бердақ асарлари таржимасига ўзи “Халқига бахшида умр” деган сўз боши ёзиб, тўплам шаклида чоп эттирди. Китобга Бердақнинг эллик тўққиз шеъри таржимада киритилган. Мутаржим таржима учун шоирнинг энг сара, халқимиз орасида оммалашиб кетган шеърларини танлаб олган. Бердақ қаламига мансуб “Халқ учун”, “Яхшироқ”, “Излар

эдим”, “Умрим”, “Бўлган эмас”, “Солиқ”, “Бўлмади” ва яна бошқа қорақалпоқ ҳаётининг бадий кўзгуси бўлган шеърлари таржима учун танлангани китобнинг муваффақияти.

Э.Очилов аслида профессионал шоир ёки ёзувчи эмас, олим-таржимон. Бироқ унинг ҳозирга қадар амалга оширган таржима асарлари профессионал шоир ёки ёзувчилар қилган таржималардан қолишмайди, бемалол “беллаша” олади.

Бердақ шеърлари ўзбек тилига яхши ўгирилган. Асл нусхаларининг маъноси, поэтик оҳанги, ифода усуллари таржималарда меъёрида чиққан. “Халқ учун” шеъри ҳақиқий маънодаги инсонпарварликнинг бетакрор бадий ифодаси. Шеърнинг бир қатор бандлари афоризмларга айланиб, халқимизга ёд бўлиб кетгани ҳам ҳақиқат. Ғояси, бадийиети, таъсир салмоғи, ижтимоий-тарбиявий аҳамияти ўта жозибадор, ҳаётбахш бундай асарни бошқа бир тилга ўгириш катта талант ва масъулият талаб этади. Э.Очилов шеърнинг бу хусусиятларини чуқур ҳис қилиб, яхши ўгирган.

Ғош жигиттин ҳамдам болса елати,
 Ҳеш ўақытта кемимейди қуўаты.
 Изинде қалады жигиттин аты,
 Алар хызмет етер, барха халық ушын.
 Таржимаси:

*Мард йигитнинг ҳамдам бўлса элати,
 Сира камаймайди қучу қуввати.
 Ортидан қолади йигитнинг оти,
 Улар хизмат этар доим халқ учун.*

Ташқаридан қараганда асл нусха мисралари, шунчаки, ўзбек тилига кўчириб қўя қолингандек кўринади. Аслида, таржиманинг поэтик руҳи ўзбекона. Гарчи баъзи сўзлар, қофия, радиф ҳам қорақалпоқ сўзларига айнан ўхшаса-да, маъносида ўқувчига таъсир қиладиган яширин поэтик туйғулар ифодаси бор. Мана, яна бир тўртликни солиштириб кўринг.

Жақсы адам жолдаслыққа тақ турар,
 Жаманлар дарғазап билен тас урар.
 Жақсылар айбын болса жасырар,
 Олар хызмет етер мудам халық ушын.
 Таржимада:

*Яхши йўлдошликка мудом шай турар,
 Ёмонлар дарғазап бўлиб тош урар.
 Яхшилар бир айбинг бўлса яширар,
 Улар хизмат қилар мудом халқ учун.*

Таржималарда ҳам асл нусхадан узоқлашмаслик тамойили сақланган. Мисраларга ўзбекона поэтик жило берилган, аслиятдаги баъзи сўзлар ихчамлаштирилиб, маънони бузмаган ҳолда қўлланилган. Асл нусханинг биринчи мисрасидаги “жақсы адам”даги “адам” сўзи тушириб қолдирилгани маънога салбий таъсир кўрсатмаган. Кичкина таҳрир ўзини оқлаган.

Бадий таржима тажрибасида қисқартириб таржима қилиш кўп учрайди ва бу ҳолат аксарият ҳолларда эътирозга сабаб бўлади. Э.Очилов бу шеър таржимасида бошқа бир йўлни танлаган. Яъни шеърни қисқартириш эмас, балки бир вақтлар “Халқ учун”ни қисқартириб таржима қилган мутаржимлардан фарқли ўлароқ, қисқартирилган бандларни қайта тиклаб, таржима қилиш йўлини танлайди. Миртемир ҳам, М.Аҳмад ҳам мазкур шеърнинг ва бошқа шеърларнинг ҳам бир неча бандларини ташлаб кетиб ўтиргани тадқиқотларда айтилади. Э.Очилов таржима учун Бердақнинг 1987 йилда нашрдан чиққан қорақалпоқ тилидаги “Танланган асарлар”ини асос қилиб олган. Яъни, масалан, бу “Сайланма”да Бердақнинг “Халқ учун” шеъри эллик олти банд. Э.Очилов таржимасида шеърнинг ҳажми етмиш бир бандга етган. Қарийб йигирма олти банд қайта тикланган. Таржимон қисқартирилган бандларни Бердақнинг 1956 йилда нашр қилинган “Танланган асарлар”идан олганлигини китоб сўзбошисида қайд этади. Таржимон сўзбошида: “*Бердақ таржимасида ҳам Бердақ бўлиб қолсин, обдан сайқал бериб, уни бошқа шоирга айлантормайлик*” деган бир ғояни илгари сурадики, бу фикрга қўшилгингиз келади.

Хўш, таржимага бундай муносабат яхшими ёки ёмонми? Бир қарашда бу масалада таржимонни қўллаб қувватлагингиз келади. Лекин бу жараённинг нозик бир томони борлигини ҳам унутмаслик керак. Олдинги таржимонлар Бердақ шеърларини нега қисқартириб таржима қилди экан? Сабаб нимада? Иккинчидан, ўтган асрнинг эллигинчи ва олтмишинчи йилларида Бердақ асарларини нашр қилиш масаласида баъзи муаммолар, айрим шеърларнинг Бердаққа тегишли эмаслиги, бошқа шоирларга нисбат берилиши каби баҳслар давом этганидан мутахассислар хабардор, тадқиқотларида ёзишган. Балки шу мунозаралар сабаб олдинги таржимонларда баъзи шеърларнинг Бердақники эканлигига шубҳа туғилган бўлса, таржимада тушириб қолдирган бўлиши эҳтимолга жуда яқин. Лекин тан олиб айтадигани, таржимада қайта тикланган бандлар

шеърнинг умумий ғоявий йўналишига, мазмун-моҳиятига уйғунлашиб келади, “бегона”лиги мутлақо сезилмайди. Шу маънода, Э.Очилов қисқартирилган бандларни таржимада тиклаб тўғри қилган, деган хулосага келдик. Умуман, Э.Очилов қисқартириб таржима қилиш тарафдори эмас. Бу ҳам, бизнингча, таржимоннинг фазилати.

“Яхшироқ” шеъри Бердақ лирикасининг ёрқин намуналаридан бири, дидактик қарашларининг бетакрор бадий талқини. Шеърнинг ўзбек тилидаги таржимасини ўқиган ҳар бир муҳлис шоирнинг маҳоратига, панд-насихат мотивларини дадил, ҳаётий мисолларда, замон руҳига ҳамоҳанг талқин этилганига гувоҳ бўлади. Шеърнинг бу хусусиятлари таржимада яхши акс этгани таржимоннинг ютуғи. Қуйидаги тўртлик таржимасида насихат, чақириқ оҳанги, ватанпарварлик ғояси уфуриб туради.

*Дўстларинг бўлмасин ҳеч қачон ҳайрон,
 Қўлдан келса қилинг ёв юртин вайрон.
 Элу юрт бир бўлиб, айлангиз сайрон,
 Туғилган ер учун ҳурмат яхшироқ.*

Энди асл нусхаси билан танишинг.
 Ҳеш ўақыт, досларын, болмасын ҳайран,
 Қолдан келсе, салың душпанга ўайран.
 Ел-халқын бир болып айлаңыз сайран,
 Туўылган жер ушын ҳурмет жақсырак.

Таржиманинг савиясидан қониқасиз, деган умиддаман. Мазкур шеър аслиятда ўн тўққиз банд, ҳамма мисралари таржимага тортилган, кўпол хатоларни учратмадик. “Оқибат”, “Нодон бўлма”, “Ўйланма”, “Келин”, “Хўкизим”, “Муса бахшига” каби шеърларнинг таржималари ҳам Бердақдек буюк шоирнинг поэтик олами билан яқиндан танишишга имкон беради.

Бердақнинг халқ ҳикматларига айланган шох байтлари ҳам таржимада унутилмаган. “*Борнинг иши фармон билан, Йўқнинг иши армон билан*” ёки “*Яхши билан юрсан кўнглинг олдирав, Ёмон билан юрсан, кўнглинг қолдирав*” каби халқона афоризмлар ва яна қуйидаги донишмандона айтилган тўрт мисра чинакам бадий кашфиёт, десак фикримизга қўшиларсиз.

*Бошқа бировларни этиб кўлдошинг,
 Ёрингнинг оқизиб юрма кўз ёшин,
 Ёмон бўлса-да у умр йўлдошинг,
 Вақтинча қўл берган ҳурдан яхшироқ.*

Таржималарнинг асл нусхаларини келтирмаган бўлсак-да, таржималарда аслиятнинг фалсафий маъноси, поэтик хусусиятлари бор бўйича акс этганини идрок этишингизга, ҳис қилишингизга ишонамиз. Булар таржимоннинг маҳорати белгиси, Бердақ шоирни таржимада аслидагидек жананглата олишдаги ижодий меҳнатининг самарасидир.

Э.Очилов таржималарини ўқиб шундай хулосага келиш мумкин, у яқин тиллардан таржимада шеърларни эркин, ижодий таржима қилиш тарафдори эмас, “*обдан сайқал бериб, уни бошқа шоирга айлантирши*”ни маъқулламайди. Ҳатто Бердақ асарларининг қатта таржимони Миртемир ҳам бу масалада бироз меъёрдан чекингани ҳақида эътироз билдириб, китоб сўзбошисида шундай ёзади: “*Миртемир Бердақ шеърларига ижодий ёндашиб, анча-мунча эркин таржима қилган, маъносини тушунишга қийналган, маъносини англаб олмаган мисраларни ўзи тўқигани билан алмаштирган, баъзи бандларни бутунлай ўзгартириб юборган ёки тушириб қолдирган.*”

Бу фикрни айтиш билан Э.Очилов Миртемирнинг Бердақ меросидан қилган таржималарини асло қамситмайди. Бердақ ижоди билан ўзбек китобхонларини илк маротаба таништиришда “*атоқли шоир ва забардаст таржимон Миртемирнинг хизматлари беқиёс, унинг таржимасида Бердақ шеърлари тилимизда намуна топи*” деб тан

бериб ёзадики, бу устоз таржимон меҳнатларининг эътирофидир.

М.Аҳмад таржималарига ҳам шу йўналишда муносабат билдиради, эркин ижодийлик, тушунилиши кийин мисраларни, бандларни қисқартиришлар таржималарнинг савиясини тушириб юборганлиги ҳақидаги Э.Очилов эътирозларида жон бор. Ҳар ҳолда, Э.Очиловнинг таржимашуносликка доир бу фикрлари таржимонлар учун ҳам амалий аҳамият касб этади. Таржимон кўп йиллик яқин тиллардан қилган таржималарида тўплаган тажрибалари асосида шу хулосага келгани аниқ. Олимнинг “таржима” билан “табдил” тўғрисидаги фикрлари, уларни бир хил маънода тушуниш, фарқини англамаслик ҳато эканлигини мисолларда тўғри кўрсатган. “Халқ учун” таржима китоби юқорида билдирилган фикрларга амалий далилдир.

Таржимада Бердақнинг бирор шеъри банди ёки мисраси тушириб қолдирилмаган, аксинча, олдинги таржимонлар қисқартирган асл нусхалар таржимада тикланган. Бердақ шеърлари ҳақиқий маънодаги таржима, табдил эмас. Тўплам Э.Очиловнинг яқин тиллардан таржима қилиш соҳасидаги янги довони, Бердақ шеърятининг янги таржималари билан ўзбек китобхонларини таништиришдаги навбатдаги улкан ютуғи, истиклол йилларидаги ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқалари ҳамда таржима санъатига қўшилган муносиб ҳисса.

Таржимани ҳар қанча мактамайлик, унинг жузъий камчиликларидан кўз юмсақ адолатдан бўлмас. Умуман, бадий таржимада, қайси жанрдаги асар бўлишига қарамасдан, асл нусхани тўлалигича, юз фоиз таржимада бериш амри маҳол, мумкин эмас деб ҳисоблаймиз. Жаҳон ва қардош халқлар адабиётидан ўзаро таржималарда бу фикримизга мисоллар етарли. Э.Очиловнинг мазкур таржимаси ҳам бундан мустасно эмас. Шеърлар таржимасида жузъий хатолар учраб туради. Мисоллар келтирамиз. “Кўринди” радифли шеърнинг асл нусхасида “Жер бети аядай маған коринди” деган мисра бор. Таржимада “Ер юзи кўзимга танг тор кўринди” деб берилган. “Аядай” сўзи теп текис, кўлнинг оясидай деган ибора ҳам бор. “Тор” сўзи “аядай”нинг маъносини беролмас керак. Мазкур шеърдаги “Козлериме шенгел коринди” қаторининг “Кўзларимга бир теракзор кўринди” маънода

ўгирилгани ҳам, бизнингча, тўғри эмас. “Чангалзор” билан “терақзор”нинг қисман бўлса-да фарқи бор. “Нодон бўлма” шеърдан яна бир мисол. “Қошшы ертпей кейнине” деган сатр “Қолдириб гап сўз кейнингга” мазмунида ағдарилган. Қорақалпоқ тилида “қошшы”, “қошшым” сўзи иккинчи бир одамга мурожаат қилинганда “қошшым” деб мурожаат этилади, унда қисман кесатиқ маъноси ҳам бор. “Ўйланма” шеъри таржимасида ҳам шундай жузъий хатога йўл қўйилган. Масалан, “Қостарым деп, ерме соған” қатори ўзбекчага “Вафоси йўқ, сўзи ёлғон” деб таржима қилинган. “Қостар” бу қорақалпоқ тилида умр йўлдоши маъносида келади. Таржимада бу маъно чиқмаган, банднинг мазмунига унчалик ёпишмайдиган қатор ижод қилинган кўринади. “Оқибат” шеърдаги:

Ая дослар, тардур заман,
Басымдағы куним жаман –
мисраларининг ўзбек тилига қуйидаги мазмунда ўгирилгани бироз мавҳум.

Эй дўстлар, кўп оғир замон,
Бошга тушган кўпни ёмон.
Ёки “Айрилиқ” шеърдаги “Басыма тусип алаамат” деган қаторнинг “Бошинга тушди асли от” мазмунида ўгирилганидан қониқмадик. Асл нусхада “бошимга” дейилган, таржимада негадир “бошинга” бўлиб кетган. “Алаамат” билан “от” қофиядош бўлиши мумкин. Бироқ уларнинг мазмун моҳияти ўзаро ўхшамайди.

Кўрдингизки, қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига ўгирилган Бердақнинг “Халқ учун” шеърини тўпламида жузъий нуқсонлар бор. Лекин улар мазкур китобнинг умумий баҳосини сира пасайтири олмайди, таржимоннинг ижодий меҳнатини инкор қилишга қодир эмас. Бердақ асарларининг ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилганига кўп йиллар бўлди. Бугунги ўзбек китобхони Бердақ асарларининг янги таржималарини кутаётгани ҳам бор гап. Муҳлисларнинг мана шу чанқоғини ҳисобга олиб, Э.Очиловнинг Бердақ шеърларининг янги таржималарини яратгани фақат таҳсинга лойиқ, деган фикрдамыз.

Хулоса қилиб айтсак, Бердақ асарларининг узок ва яқин йиллардаги ўзбек тилига таржималари, уларнинг муаллифлари, хусусан, моҳир таржимон Эргаш Очилов фаолияти мисолида ўзбек ва қорақалпоқ, қорақалпоқ ва ўзбек адабий алоқалари ривожланиб борди, икки адабиёт ҳам таржима асарлари билан бойимокда.

Адабиётлар

1. Бердақ. Таъламмалы шығармалары. –Нөкис: “Қарақалпақстан”, 1987, 78-б.
2. Бердақ. Халқ учун. Шеърлар. –Тошкент: “Ижод-принт,” 2021, 16-б.
3. Миртемир. Асарлар. 4 жилдлик. 3 жилд. –Тошкент: 1982.
4. Гаччиладзе Г. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. –Москва: 1980.
5. Курбонбоев Б. Бердақ ижоди. –Тошкент: “Фан”, 1977.
6. Мамбетов К. Ўзбек ҳам қарақалпақ әдебий байланыслары. –Нөкис: “Қарақалпақстан”, 1992.
7. Таржима санъати. 5-китоб. –Тошкент: 1980.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Бердақ шеърятининг ўзбек тилига таржималарида асл нусха поэтик руҳини, шакл ва мазмун уйғунлигини, миллий колоритини беришдаги таржимон маҳорати, айрим ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируются примеры перевода поэзии Бердаха на узбекский язык и мастерство переводчика: в передаче поэтического духа оригинала, соответствия форм и содержания стихотворений, национального колорита, а так же, некоторые недостатки допущенные в переводе.

SUMMARY. The article deals with the translator’s mastery in transmitting the poetic spirit, national character of the original work, the correspondence between the forms and content, as well as some achievements and shortcomings in translations of the Berdakh’s poetry into the Uzbek language.

ХОРАЗМ ХАЛФАЧИЛИК АНЪАНАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ

Н.Э.Сабинова – филология фанлари доктори (DSc), доцент

Хоразм вилояти ХТХҚТУМОҲМ

Таянч сўзлар: халфа, халфачилик, халфа қўшиқлари, Хоразм халфалари, халфачилик санъати, қиссахон-қираатхон халфалар.

Ключевые слова: халфа, халфачилик, халфские песни, хорезмские халфы, искусство халфы, қиссахон-қираатхан халфы.

Key words: khalfa, khalfachilik, khalfa songs, Khorezm khalfas, khalfa art, kissahon-qiraatkhan khalfas.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Хоразм халфачилик санъатига қизиқиш анча кучайди. Бу даврга келиб халфа қўшиқлари, умуман халқ орасидаги қўшиқларни ёзиб олишда мусиқа фольклоршуносларининг ҳам хизматлари катта бўлди.

“Ўзбек халқ музикаси” рукнида чоп этилган китобларнинг VII, VIII, IX жилдларида халфа қўшиқларининг катта бир қисми куйлари билан ёзиб олиниб, китобхонларга тақдим этилди [13].

MAZMUNÍ
TÁBIYIY HÁM TEXNIKALÍQ ILIMLER

Fizika. Matematika. Texnika. Informatika

| | |
|---|----|
| Atashov B., Yuldashov D., Sayıpnazarova A. Hidrotermal metodi menen ósirilgen BaF ₂ kristalliniń lyuminafor sipatında paydalaniw múmkinshiligin aniqlaw | 3 |
| Djumabaev N. Quramalı funkciyalardıń tuwındısın tabıw usılları | 5 |
| Эсонтурдиев М.Н., Жумамуратов Д.К. Экономическая эффективность внедрения усовершенствованных режимов работы объектов джизакская головная насосная станция | 6 |
| Гулямов Г., Дадамйрзаев М.Г., Қосимова М.О. 2D ўлчамли p-n-ўтиш фототоклари ва дифференциал ўтказувчанлиги | 8 |
| Гулямов Г., Шаҳобиддинов Б.Б., Мажидова Г.Н., Қурбонова Д.О. P-N ўтишли диодларнинг Ферми Квази сатҳи ва вольт – ампер характеристикасига микотўлқин таъсири | 11 |
| Хайибайев D.G‘., Yavidov B. Polaron massasining taranglik (bosim) bo‘yicha hosilalari ... | 15 |
| Исламов Х. Задача с конормальной производной для уравнения эллиптического типа с одной линией вырождения | 17 |
| Кабулов А.В., Бабаджанов А.Ф., Сайманов И. Корректные модели из линейного замыкания модели вычисления оценок | 20 |
| Махмудов М.Ж., Неъматов Х.И. Табиий газни адсорбция усулида куришиш технологик схемасини ишлаб чиқиш | 22 |
| Нуржанов О.Д., Айназаров К.А. О двусторонних приближениях к периодическим решениям интегро-дифференциальных уравнений типа Фредгольма | 25 |
| Tojiyeva Z.N., Zhao Yongfeng, Zheng Hui. Study on the coupling relationship of population, resources, environment and economy in hohhot-baotou-ordos-ulanqab urban agglomeration | 29 |
| Tursunov O.B. Diffuziya usuli bilan legirlangan kremniyda rux va selen atomlarini elektrofizik xususiyatlarini tahlil qilish | 31 |
| O‘rinboyev D.R., Suvanov A.X., Suvanov J.X. Quyosh batariyasining samaradorligi va boshqa parametrlarga aloqadorligi | 33 |
| Zaxidova M.A., Giyasova Z.R. Masalaning umumiy yechimidan xususiy yechimga o‘tish | 35 |

Biologiya. Zoologiya

| | |
|---|----|
| Дадаев С., Палўаниязова Д.А. Ўзбекистон шароитида эчкилар (<i>Capra hircus L.</i>) гельминтларини ўрганилиш ҳолати | 37 |
|---|----|

Geografiya

| | |
|---|----|
| Холдорова Г.М. Мирзачўл биологик ресурсларига антропоген омилларнинг таъсири .. | 41 |
| Кувандиков О.Х. Самарқанд вилоятида боғдорчиликни ривожлантиришнинг географик хусусиятлари | 43 |
| Uteпова G.B. Xalıqtı úyreniwdiń tariyxıy-geografiyalıq derekleri | 46 |

JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

Ekonomika

| | |
|---|----|
| Sharipova Sh.B. Turizm mamlakatda iqtisodiy-ijtimoiy aloqalarni rivojlantirish omili | 48 |
|---|----|

Tariyx. Ruwqiyliq

| | |
|---|----|
| Abdiev B.T., Joldasbayev O.Y., Jamalov N.Y., Biyimbetov J.Q. Insan turmisında mádeniyattıń roli | 50 |
| Абдуллаева Я.А. Нөкис қаласының 90 жыллық тарийхына бир нэзер | 51 |
| Абдуллаева А.А. Даврий нашрларда Жанубий Оролбўйи қорақалпоқларининг ижтимоий-ҳуқуқий аҳволига оид айрим маълумотлар (XIX асрнинг сўнги чораги - XX аср бошлари) | 54 |
| Алланбаев Р. Қарақалпақ музыка көркем өнери тарийхында симфониялық оркестрдин раўажланыў басқышлары | 57 |
| Baltabayev O.O. Taxtakópir rayoni oykonimleriniń leksika-semantikalıq qurami hám onı kartalastırıw | 59 |

Dıqqat, jazılıw - 2023!

Hürmetli, jurnal oqıwshıları! Eger, Siz ilim, tálim-tárbiya hám oqıtıwdıń jańa zamanagóy usılları, jańalıqları menen óz waqtında jaqınnan tanısqaqshı, ózińizdiń usı tarawdağı jetiskenliklerińiz hám oy – pikirlerińiz benen ortaqlaspaqshı bolsańız, «Ilim hám jámiyet» jurnalına 2022-jıl ushın jazılıwǵa mirát etemiz.

Jılına 4 márte shıǵatuǵın biziń jurnalımızda barlıq tarawlar boyınsha ilimiy, ilimiy-metodikalıq maqalalar járiyalanadı.

«Ilim hám jámiyet» jurnalı Ózbekstan Respublikası Ministirler kabineti janındaǵı Joqarı Attestaciya Komissiyası kollegiyasınıń qararı menen tómende kórsetilgen pánler boyınsha ilim doktorı dárejesin alıw ushın maqalalar járiyalanıwı tiyis bolǵan ilimiy basılımlar dizimine kirgizilgen:

- 01.00.00 – fizika-matematika ilimleri;
- 03.00.00 – biologiya ilimleri;
- 05.00.00 – texnika ilimleri;
- 07.00.00 – tariyx ilimleri;
- 10.00.00 – filologiya ilimleri;
- 11.00.00 – geografiya ilimleri;
- 13.00.00 – pedagogika ilimleri;
- 19.00.00 – psixologiya ilimleri.

Jazılıw bahası - 350.000 (úsh júz eliw mın) swm.

| | |
|--|--|
| <i>Redakciya mánzili: Nókis qalası, P.Seytov kóshesi, n/j.</i> | <i>«Ilim hám jámiyet» jurnalınıń esap beti:</i> |
| <i>Indeks: 230100, Telefon: +998612294086; +998939205495.</i> | <i>BANK: MB BB XKKM Toshkent shahri</i> |
| <i>Veb sayt: journal.ndpi.uz; el.pochta: fanvajam@mail.ru</i> | <i>Esap beti: 2340 2000 3001 0000 1010</i> |
| <i>JURNALDÍŇ BASÍP SHÍGARÍLÍWÍNA JIWAPKER:</i> | <i>MFO: 00014; INN: 200 357 981</i> |
| <i>Ájiniyaz atındaǵı NMPI baspaxanası.</i> | <i>Jeke esap beti: 4001 1086 0354 0170 9410 0079 001</i> |

| | |
|--|--|
| <i>Maqalalardıń mazmunına hám durılıǵına avtorlar juwapker, olardıń pikirleri redakciyanıń pikirleri bolıp esaplanbaydı</i> | <i>Jurnalǵa jil dawamında jazılǵan avtorlardıń miynetleri birinshi gezekte járiyalanadı. Maqala kólemi 5 betten kem bolmaıwı, 7 betten aspaıwı kerek.</i> |
| <i>Jurnal 1992-jıldan shıǵa basladı ISSN 2010-720X Indeksi: Jeke puqaralar ushın — 2101. Mákemeler ushın — 2102.</i> | <i>Basıwǵa ruxsat etildi: 29.09.2022. Buyırtpa: №0383. Format: 60x84 1/8 Kólemi: 15,0 b/t. Jurnal jılına 4 márte shıǵadı. Nusqası : 380 dana. Reestr № 11-3084</i> |